Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 7 май, № 91 (9262) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ СЕРБИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 май куни ташриф билан мамлакатимизга келган Сербия Республикаси ташқи ишлар вазири Марко Журични қабул қилди.

Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Сербия Президенти Александр Вучичнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни 2025 йил октябрь ойида олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида янада мустаҳкамлаш истиқболлари кўриб чиқилди.

Ҳукуматлар, парламентлар, ишбилармон доиралар даражасидаги мулоқотлар фаоллашгани, гуманитар алмашинув кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, машинасозлик, фармацевтика, кимё саноати, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа кўплаб муҳим тармоқларда кенг кўламли кооперация дастурини тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳамкорликнинг иқтисодий кун тартибини илгари суриш мақсадида жорий йилда Белград шаҳрида Ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилишини ўтказишга келишиб олинди.

Уюшган меҳнат миграцияси, маданият ва таълим соҳаларидаги шериклик масалалари кўриб чиқилди.

Томонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар, бўлажак олий даражадаги учрашувлар режасини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ҚУРИЛИШДА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида бюрократияни қисқартириш ва назорат ишлари натижадорлигини ошириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Қурилиш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар аҳоли учун замонавий уй-жойлар, ижтимоий объектлар ва қулай инфратузилма яратишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, қурилаётган янги уй-жойлар хавфсиз, сифатли, экология ва шаҳарсозлик талабларига тўлиқ жавоб бериши зарур.

Тақдимотда соҳада давлат хизматларини соддалаштириш, рухсат бериш жараёнларида бюрократияни камайтириш, қурилиш объектлари устидан назоратни рақамлаштириш ва инсон омилини қисқартириш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, ҳозирда қурилишни бошлаш учун рухсат олишда жами 8 та ҳужжат талаб этилади. Бу жараён айрим ҳолларда 3 ойдан 12 ойгача чўзилмоқда. Шу боис 2 та ҳужжатни талаб қилишни бекор қилиш, яна 2 та ҳужжатни эса рақамли интеграция ҳисобига шакллантириш таклиф этилди. Натижада ариза бериш ва кўриб чиқиш учун кетадиган вақт 7 баробар қисқаради, буюртмачиларнинг оворагарчилиги камаяди.

Янги тартибга кўра, лойиҳалашга рухсатнома ва архитектура-режалаштириш топшириғи бериш жараёнлари ягона ҳужжатга бирлаштирилади. “ShaffofAI” тизими орқали ушбу жараён инсон омилисиз, автоматик тарзда амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Бунинг натижасида 30 иш кунигача давом этадиган жараён тўлиқ автоматлаштирилади.

Лойиҳа-қидирув, қурилиш-пудрат ва экспертиза ташкилотларини лицензиялашда ҳам янги тартиб жорий этилади. Бугунги кунда ариза беришда 3 тадан 30 тагача ҳужжатни илова қилиш талаб этилиб, қарор қабул қилиш 14 иш кунигача чўзилмоқда. Таклиф этилаётган тизимда маълумотлар электрон базалар орқали автоматик текширилади, ҳужжат илова қилиш талаби бекор қилинади. Лицензияни расмийлаштириш муддати 14 иш кунидан 5 дақиқагача қисқаради, қарор қабул қилиш жараёни 97 фоизга тезлашади.

Қурилиш объектларини фойдаланишга қабул қилиш жараёни ҳам соддалаштирилади. Ўтган йили бу борада берилган 20 мингдан ортиқ аризалар турли сабаблар билан рад этилган. Камчиликларни бартараф этиш учун буюртмачилар 1 ойдан 3 ойгача вақт сарфламоқда.

Энди давлат объектларини фойдаланишга қабул қилишда талаб этиладиган ҳужжатлар сони 3 тадан 1 тага қисқартирилади. Техник ҳамда муаллифлик назоратчилари хулосалари, мувофиқлик декларацияси ва бошқа маълумотлар рақамли тизимлар орқали шакллантирилади. Бу эса объектни қабул қилиш муддатини 2 ойдан 15 кунгача қисқартиради.

Шу билан бирга, бинонинг мустаҳкамлиги ва ёнғин хавфсизлигига таъсир қилмайдиган архитектуравий ёки режавий ўзгаришлар сабаб объектни фойдаланишга қабул қилишни рад этиш амалиёти қайта кўриб чиқилади. Бундай ҳолатларда зарур корректуралар киритилиб, объектни қабул қилиш имконияти яратилади.

Тақдимотда қурилиш объектларини онлайн назорат қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Амалиётда қурилиш объектларига кузатув камераларини мажбурий ўрнатиш талаби мавжуд эмас. Шу боис биринчи босқичда қиймати 3 миллиард сўмдан юқори бўлган ижтимоий соҳа объектлари, кўп қаватли уйлар, йирик савдо ва саноат объектлари, меҳмонхона ва туризм мажмуаларига камералар ўрнатиш таклиф этилди.

Бу орқали лойиҳадан ўзбошимчалик билан четга чиқиш ҳолатларини барвақт аниқлаш, қурилиш майдонидаги ишчилар ҳисобини аниқ юритиш, “конверт” усулида маош тўлаш ҳолатларининг олдини олиш, яширин иқтисодиётни қисқартириш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш имконияти кенгаяди.

Қурилишда техник ва муаллифлик назорати самарадорлигини ошириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. 2025 йилда техник ва муаллифлик назоратчилари объектларда 42 мингта камчиликни қайд этган бўлса, инспекторлар кейинчалик яна 250 мингдан зиёд қоидабузарликни аниқлаган. Бу айрим ҳолларда назоратчилар фаолияти етарлича самарали ташкил этилмаётганини кўрсатади.

Шу муносабат билан “Шаффоф қурилиш” платформасида техник ва муаллифлик назоратчиларининг реестри ва рейтинг тизимини жорий этиш таклиф қилинди. Уларнинг фаолияти масофадан мониторинг қилинади, иш юритув ҳужжатлари электрон шаклга ўтказилади. Рейтинг кўрсаткичи паст бўлган назоратчилар қайта ўқитишга юборилади, яхши натижа кўрсатганларнинг сертификат муддати узайтирилади.

Қурилиш материаллари сифатини назорат қилишда ҳам таъсирчан механизмлар жорий этилади. Объектга киритилган ҳар бир қурилиш материали “nazorat.mc.uz” платформаси орқали электрон рўйхатга олинади, сифатни тасдиқловчи ҳужжатлар мажбурий равишда тизимга юкланади. Сифатсиз материаллардан фойдаланган қурувчиларга нисбатан маъмурий жавобгарлик белгилаш таклиф этилди.

Лаборатория синовлари бўйича ҳам янги ёндашувлар белгиланмоқда. Узоқ ҳудудлардаги қурилиш массивларида синовларни ўз вақтида ўтказиш учун кўчма қурилишсинов лабораторияларини ташкил этиш таклиф қилинди. Бу объектлар қамровини икки баробар ошириш, синов натижаларини тезкор аниқлаш ва стандарт талабларига риоя этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Тақдимотда ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш масаласи ҳам атрофлича кўриб чиқилди. 1 апрель ҳолатига республика бўйича 3 791 та ноқонуний қурилиш объекти аниқланган. Шундан 1 933 таси саноат зоналари ҳудудига тўғри келади. Айрим объектларда ерга бўлган ҳуқуқ, лойиҳалашга рухсатнома, кенгаш ёки экспертиза хулосалари мавжуд эмаслиги аниқланган.

Бунинг олдини олиш учун ерга оид ҳуқуқ вужудга келган вақтдан бошлаб фуқаролар ва юридик шахсларга қурилиш соҳасидаги қонун талаблари бўйича электрон эслатмалар юбориш, “Онлайн маҳалла” ва “Шаффоф қурилиш” тизимларини интеграция қилиш, қонунчиликдаги объектларни рухсатномасиз қурганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш таклиф этилди.

Кўп квартирали уй-жой фондини бошқаришда назоратни кучайтириш масаласи муҳокама қилинди.

Қонунчиликда кўп квартирали уйлардаги тўсиқ конструкцияларини ўзбошимчалик билан бузган шахсларга маъмурий чораларни тезкор кўриш механизми етарли эмас. 2023 йилда бундай ҳолатлар 563 та бўлган бўлса, 2025 йилда 2 484 тага етган.

Айниқса, эксплуатация муддати 50 йилдан ошган уйларда ўзбошимчалик билан реконструкция қилиш хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин. Мамлакатимизда бундай кўп квартирали уйлар 15 минг 270 тани ташкил этади. Шу боис уларда тоифани ўзгартириш ва реконструкция қилишни чеклаш, тўсиқ конструкцияларни бузганлик учун тўғридан-тўғри жарима қўллаш ваколатини инспекцияга бериш таклиф этилди.

Кадрлар салоҳиятини ошириш масаласи ҳам эътибор марказида бўлди.

Тошкент, Наманган ва Қарши шаҳарларидаги олийгоҳларда Австриянинг Вена ва Италиянинг Сапиенца университетлари билан қўшма таълим дастурларини ташкил этиш, истиқболли кадрларни ривожланган давлатларга стажировкага юбориш ва уларнинг янги билим-кўникмаларини амалиётга татбиқ этиш бўйича тизим яратиш вазифаси қўйилди.

Президентимиз соҳадаги янгиликлар амалиёт билан узвий боғланган бўлиши зарурлигини таъкидлаб, ҳудудий студиялардаги соҳада фаолият юритаётган тадбиркорларнинг фикрларини тинглади. Таклифларни маъқуллаб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙ РАҲБАРИГА ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хунань провинциясидаги саноат корхонасида юз берган фожиа оқибатида кўплаб инсонлар қурбон бўлгани ва жиддий жароҳат олгани муносабати билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпинга ҳамдардлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари вафот этганларнинг оила аъзолари ва яқинларига сабр-тоқат ва бардамлик сўзларини йўллаб, жароҳатланганлар тез фурсатда шифо топишини тилади.

ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА АЪЗО БЎЛИШ ЖАРАЁНИ ЖАДАЛЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши борасида 2025 йилда амалга оширилган ишлар ва ушбу жараённи жадаллаштириш бўйича 2026 йилдаги вазифаларга бағишланган тақдимот билан танишди.

Ўтган йилда Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш жараёни доирасида кўп ва икки томонлама музокараларда салмоқли натижаларга эришилди.

Хусусан, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши бўйича ишчи гуруҳнинг иккита йиғилиши ўтказилди. Уларда 200 дан ортиқ саволларга жавоблар, 30 дан зиёд ташқи савдога оид ҳужжатлар ЖСТ аъзоларига тақдим этилди.

Шу билан бирга, икки томонлама тадбирлар доирасида 40 дан ортиқ музокаралар раунди олиб борилди. 2025 йилнинг ўзида 11 та давлат билан музокаралар якунланиб, бундай давлатларнинг умумий сони 33 тага етди.

ЖСТ аъзолари томонидан Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ жадал ислоҳотлар амалга оширилаётгани ижобий эътироф этилмоқда. Хусусан, ўтган йилда 68 та қонунчилик ҳужжати ЖСТ ва халқаро меъёрларига уйғунлаштирилди.

Жумладан, ЖСТ қоидаларига уйғунлаштириш доирасида интеллектуал мулкни рўйхатга олиш жараёнлари соддалаштирилиб, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чоралари кучайтирилди, экспорт чекловлари бекор қилинди ва шаффоф механизмга эга экспорт божлари жорий этилди, айрим маҳсулотлар учун минимал экспорт нархларини белгилаш амалиёти бекор қилингани таъкидланди.

Шунингдек, савдодаги техник тўсиқларни қисқартириш, санитария ва фитосанитария соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида хавф даражаси юқори бўлган маҳсулотларни мажбурий давлат рўйхатидан ўтказишнинг бюрократик тартиби ўрнига сертификатлаштириш жорий этилди, озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги устидан назорат Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасига ўтказилди ва 14 та озиқ-овқат техник регламенти бекор қилинди, 747 та товар позицияси бўйича мажбурий сертификатлаштириш талаблари тугатилди ва рўйхат 27 фоизга қисқартирилди.

Тақдимотда озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги ва савдони ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги янги қонунларни қабул қилиш, санитария, ветеринария ва карантин соҳасига хавфни таҳлил қилиш, кузатувчанлик ҳамда илмий асосланганлик тартиботларини жорий этиш ҳолати кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари жорий йилда Ўзбекистоннинг ЖСТга тўлақонли аъзолигини расмийлаштириш бўйича комплекс ишларни сифатли амалга ошириш борасида кўрсатмалар берди.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги қонунчиликни ЖСТ қоидалари ва халқаро савдо стандартларига тўлиқ мувофиқлаштириш ишларини тизимли давом эттириш, ЖСТга аъзо бўлиш бўйича икки ва кўп томонлама музокараларни якунлаш ҳамда аъзоликни расмийлаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ЎзА.

Мулоқот

ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАДА

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Хорижий мамлакатлар билан дўстлик бўйича Хитой халқ жамияти раиси Ян Ванмин бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.

Суҳбат чоғида улар Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини қайд этди. Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш муҳимлиги, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашда парламент ва халқ дипломатиясининг ўрни айтиб ўтилди.

Ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлар ишини фаоллаштириш, парламент қўмиталари ўртасида яқин алоқалар ўрнатиш, қонун ижодкорлиги ва парламент назорати соҳасида тажриба алмашишни тизимли давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик истиқболлари бўйича фикр алмашилди. Худудлар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни фаоллаштиришга кўмаклашиш, бу борада жорий йил давомида ўтказиладиган тадбирлар режаси муҳокама қилинди.

Шунингдек, туризм, таълим ва илмий-академик йўналишда алмашинувни ривожлантиришга қаратилган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МУСТАҚИЛЛИК ВА ТИНЧЛИКНИ АСРАШ, ТАРИХИЙ ХОТИРАНИ УЛУҒЛАШ – МУҚАДДАС БУРЧ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Янги Ўзбекистоннинг ҳарбий салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда тарихий хотирани улуғлаш: ислоҳотлар ва устувор вазифалар” мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги ҳамда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ташкил этилган тадбирда депутатлар, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ҳамда Миллий гвардия масъул раҳбарлари, ҳарбий фахрийлар, ҳарбий олий таълим муассасалари курсантлари ва журналистлар қатнашди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев бошчилигида Янги Ўзбекистонда ҳарбий қурилиш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, мудофаа қобилиятини ошириш, Қуролли Кучларимизни замон талаблари асосида ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Ушбу вазифалар асосида Қонунчилик палатаси томонидан соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида унинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда изчил такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2

ИШОНЧ, ИНВЕСТИЦИЯ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган мураккаб ва тезкор ўзгаришлар шароитида халқаро молия институтларининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Акс садо

Айниқса, ривожланаётган мамлакатларни қўллаб-қувватлаш, инфратузилмавий лойиҳаларни молиялаштириш, камбағалликни қисқартириш ва барқарор тараққиётни таъминлашда Осиё тараққиёт банки каби нуфузли ташкилотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу банк нафақат молиявий ресурслар манбаи, балки илғор тажриба, инновацион ечимлар ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қиладиган ўзига хос интеллектуал майдон сифатида ҳам алоҳида ўрин тутади.

Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилиши эса глобал иқтисодий жараёнлар муҳокама қилинадиган, устувор йўналишлар белгилаб олинадиган муҳим халқаро анжуманлардан бири ҳисобланади. Ана шундай нуфузли тадбирнинг Самарқанд шаҳрида ўтказилиши Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ва очиқ, прагматик ташқи сиёсатининг амалий натижасини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиёти мутлақо янги тараққиёт босқичини бошдан кечиряпти.

2

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 7 май

Парламент назорати

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИШЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳоли билан манзилли ишлаш ҳамда профилактика чора-тадбирлари ижро этилишининг ҳолатини ўрганди.

Жумладан, тумандаги “қизил” тоифага киритилган маҳаллаларда жиноятчилик ҳолати, сабаб ва омиллари, профилактика инспекторлари ва масъул идоралар томонидан олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди. Аҳоли билан мулоқотлар ўтказилиб, уларни қийнаётган муаммо ва таклифларга эътибор қаратилди.

Президентимизнинг “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш масалаларига алоҳида урғу берилди.

Шунингдек, ушбу масала халқ депутатлари Яшнобод тумани Кенгашининг навбатдаги сессиясида муҳокама қилинди.

Муҳокама жараёнида жиноятчиликни камайтириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, профилактика ишлари самарадорлигини ошириш ҳамда маҳаллаларда хавфсиз муҳитни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ижроси ҳолати кўриб чиқилди.

Шу билан бирга жойлардаги вазиятни ўрганиш, аниқланган муаммоларни тегишли ташкилотлар билан биргаликда ҳал этишга кўмаклашиш, шунингдек, парламент назорати доирасида амалга оширилаётган ишларга ҳам эътибор қаратилди.

Якунда аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Қўшма мажлис

ПЕДАГОГ ХОДИМЛАР МАЛАКАСИ ҚАНДАЙ ОШИРИЛМОҚДА?

Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг қўшма мажлисида вилоятдаги давлат умумтаълим мактабларидаги раҳбар ва педагог ходимлар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш бўйича белгиланган вазифаларнинг бажарилиши, жумладан, умумтаълим мактаблари раҳбарлари учун ташкил этилган менежерлик курсларини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.



Таъкидланганидек, мамлакатимизда сўнгги йилларда мактабгача ва мактаб таълими тизимида кенг қамровли ислоҳотлар ўтказилмоқда. Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари раҳбар, педагог ва мутахассис кадрларининг 5 йилда бир марта бевосита малака оширишини кўзда тутувчи тизим жорий қилинган.

Вилоятда 2025 йил январь — декабрь ойларида умумтаълим ташкилотларининг 125 245 нафар ходимининг малакаси оширилган.

Сенаторлар мазкур соҳада учраётган айрим камчиликларга ҳам тўхталиб ўтди. Жумладан, “Узлуксиз касбий таълим” махсус электрон платформасидан (“onlinedu.uz”) фақат малака ошириш ўқув жараёнини ташкил қилишда фойдаланилмоқда.

Шунингдек, уч ёшга тўлмаган боласи бўлган аёллар, пенсия ёшидагилар ҳамда ногиронлиги бўлган педагог ва мутахассис ходимлар электрон платформа орқали мустақил малака ошириши имконияти жорий этилган бўлса-да, мазкур амалиёт бугунги кунда чеклаб қўйилган.

Умумтаълим мактаби директорларининг фаолиятига якуний баҳо беришда уларнинг соҳадаги кўп йиллик самарали меҳнати натижалари, мактаб ўқувчилари ҳамда педагоглари турли ютуқларга эришгани инобатга олинмаслиги мактаб раҳбарларининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Менежерлик сертификатини қўлга киритган давлат умумтаълим мактаблари директорларининг кейинги фаолиятини мониторинг қилиш тизими мавжуд эмас, яъни менежерлик ўқув курсларини якунлаган мактаб директорлари фаолиятидаги ижобий ўзгаришларни баҳолашнинг механизми яратилмаган.

Мактабгача ва мактаб таълими тизими вакилларига педагог ходимларнинг малакасини ошириш ҳамда раҳбар кадрлар учун ташкил этиладиган менежерлик ўқув курсларини ўқитиш, якуний баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва сертификатга эга бўлган раҳбар ходимларнинг кейинги меҳнат фаолиятини мониторинг қилиш ҳамда самарадорлигини баҳолаш механизмларини жорий қилиш бўйича тавсиялар берилди.

Мажлис якунида умумтаълим муассасаларининг раҳбар ва педагог ходимлари малакасини оширишни такомиллаштиришга қаратилган қўшма қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

МУСТАҚИЛЛИК ВА ТИНЧЛИКНИ АСРАШ, ТАРИХИЙ ХОТИРАНИ УЛУҒЛАШ – МУҚАДДАС БУРЧ

1

Соҳанинг стратегик ривожланишини белгилаб берган энг муҳим ҳужжатлар сифатида Мудофаа доктринаси, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”, “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Қурол тўғрисида”, “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”, “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”, “Давлат мудофаа буюртмаси тўғрисида”ги ва бошқа қатор қонунлар қабул қилинди.

Мазкур қонунлар мамлакатимиз мудофааси ва хавфсизлигини, давлат чегаралари дахлсизлигини ишончли ҳимоялаш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳар қандай хавф-хатарларга тезкор ва муносиб чора кўриш учун мустаҳкам пойдевор яратди.

Тадбирда бугунги кунда соҳада яна қатор стратегик аҳамиятга эга қонун лойиҳалари парламентда кўриб чиқилаётгани таъкидланди. “Ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) ва улар оила аъзоларининг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”, “Ҳарбий хизматчилар мақоми ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Фахрийлар тўғрисида”, “Сафарбарлик тайёргарлиги ва сафарбарлик тўғрисида”ги қонун ҳужжатлари шулар жумласидан. Ушбу ҳужжатлар ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хизмат мақомини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳамда давлатнинг мудофаа салоҳиятини янада оширишга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Козим ТОЖИЕВ,
Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси:

— Қонунчилик палатаси томонидан соҳадаги қонунларни такомиллаштириш, уларнинг ижросини тизимли ўрганиш, масъул вазирлик ва идоралар фаолияти устидан парламент назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу тадбирда ҳам мудофаа ва хавфсизлик соҳасида эришилган натижаларни мустаҳкамлаш билан бирга мавжуд ҳуқуқий механизмларни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, қонун ижодкорлигини фаоллаштириш ҳамда парламент билан масъул идоралар ўртасида яқин ҳамкорликни оширишга қаратилган таклифлар илгари сурилди.



Тадбирда, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг “9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг мазмунмоҳиятига тўхталиб ўтилди. Қайд этилганидек, унда инсон қадрини улуғлаш, Иккинчи жаҳон уруши ҳамда мустақиллик йилларида Ватан ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатган юртдошлар хотирасини эъзозлаш, шунингдек, бугунги фахрийларга катта эътибор ва ижтимоий ҳимояни кучайтиришга қаратилган қатор чоралар белгиланган.



Дилбар МАМАЖОНОВА,
қўмита аъзоси:

— Дарҳақиқат, бугун амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш жуда муҳим. Албатта, бу масала депутатларнинг доимий диққат марказида. Ҳар бир қабул қилинаётган қонун замирида Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, тинчлигимиз кафолати мужассам.

Сўзга чиққан соҳа фахрийлари ўзларининг кўп йиллик хизмат фаолияти, бой ҳаётий тажрибаси ҳамда Ватан ҳимояси йўлидаги машаққатли синовлар ҳақида тўхталиб ўтди. Нуронийлар ёш авлод тарбиясида миллий ғурур ва фидойилик туйғуси энг муҳим омил эканини таъкидлаб, бугунги тинч-осойишта кунларнинг қадрига етиш, ҳарбий қасамёдга содиқ қолиш бўйича ўз тавсияларини берди.

«Халқ сўзи».

Учрашув

ЁШЛАР СЕНАТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзолари Тошкент шаҳридаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчилар билан учрашув ўтказди.

Тадбир давомида қўмита раиси ўринбосари Одилжон Маматкаримов иштирокчиларга Сенат фаолиятининг асосий йўналишлари, қонун ижодкорлиги жараёни, қонунлар муҳокамаси ва уларни қабул қилиш босқичлари, шунингдек, парламент назорати ҳамда таҳлил механизмлари ҳақида батафсил маълумот берди.

Учрашув интерфаол руҳда ўтиб, ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан қатнашди. Шунингдек, парламент тизимида ёшларнинг ўрни, давлат сиёсатини шакллантиришда уларнинг иштироки, ҳуқуқий маданиятни ошириш ва фуқаролик фаоллигини кучайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқотда ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларни қонун ижодкорлиги жараёнларига жалб этиш, таълим муассасалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳим экани таъкидланди. Бундай учрашувлар ёшларнинг ҳуқуқий онги ва фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши қайд қилинди.

«Халқ сўзи».

ИШОНЧ, ИНВЕСТИЦИЯ ВА ТАРАҚҚИЁТ

1

Сўнгги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида иқтисодиётни эркинлаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, глобал қиймат занжирларига фаол интеграциялашиш бўйича катта ютуқларга эришилди. Қисқа даврда мамлакатимизга 150 миллиард доллардан ортиқ хорижий инвестициялар жалб этилди, иқтисодиёт ҳажми қарийб уч баробар ўсди, экспорт салоҳияти сезиларли даражада ошди. Энг муҳими, бу ислоҳотлар инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган бўлиб, аҳоли даромадлари оширилди ва камбағаллик даражаси сезиларли қисқартирилди.

Ушбу жараёнларда Осиё тараққиёт банки Ўзбекистоннинг ишончли стратегик шериги сифатида муҳим ўрин тутмоқда. Банк билан ҳамкорликда бугунги кунга қадар қарийб 16 миллиард долларлик йирик лойиҳалар амалга оширилди. Айниқса, қайта тикланувчи энергетика, қишлоқ инфратузилмаси ва минтақавий ҳамкорлик йўналишларидаги қўшма дастурлар мамлакат тараққиётига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Яқинда имзоланган 12 миллиард долларлик янги ҳамкорлик дастури эса бу муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.



Бугунги глобал шароитда иқтисодий ўсишни таъминлаш фақат анъанавий ёндашувлар билан чекланиб қолмасдан, инновация ва технологияларга таянишни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, сунъий интеллект ва рақамли технологияларни ривожлантириш масалалари алоҳида аҳамиятга эга. Мамлакатимизда бу борада кенг кўламли ишлар ҳаётга татбиқ этилиб, юзлаб инновацион лойиҳалар йўлга қўйилган. Шу билан бирга, халқаро ҳамкорлик доирасида мазкур соҳада қўшма дастурларни амалга ошириш таклифлари илгари сурилмоқда.

Энергетика соҳасида ҳам туб ўзгаришлар кузатилмоқда. Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш орқали “яшил” иқтисодиётга ўтиш бугунги куннинг устувор вазифасига айланган. Ўзбекистонда бу борада йирик лойиҳалар амалга оширилиб, “яшил” энергия улуши изчил ошиб бормоқда. Келгусида бу кўрсаткични янада ошириш ва минтақавий энергетик ҳамкорликни кучайтириш режалаштирилган.

Замонавий иқтисодиётда стратегик аҳамиятга эга минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш масаласи ҳам алоҳида эътибор марказида турибди. Ўзбекистоннинг бой табиий ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш сиёсати саноатни диверсификация қилиш ҳамда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кенг йўл очмоқда.

Самарқандда ўтказилаётган мазкур анжуманда дунёнинг 100 дан ортиқ давлатларидан минглаб вакиллар қатнашгани унинг халқаро аҳамиятини яна бир бор тасдиқлайди. Бу платформа доирасида илгари сурилган ташаббуслар келгусида аниқ лойиҳалар ва амалий натижаларга айланиши шубҳасиз.

Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг ушбу йиғилиши нафақат халқаро молиявий шерикликни мустаҳкамлаш, балки Янги Ўзбекистоннинг очиқ ва инновацион тараққиётга йўналтирилган сиёсати натижаларини намоён этувчи муҳим воқеадир. Энг муҳими, бу ҳамкорлик мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, инсон капитали салоҳиятини ошириш ва келажак тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор яратишга хизмат қилади.

Одилжон МАМАТКАРИМОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Иккинчи жаҳон уруши тарихи:

ЯНГИ ТАДҚИҚОТЛАР ВА ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР

Ғалаба боғида “Иккинчи жаҳон уруши: янги тадқиқотлар ва тарихий маълумотлар” мавзуида конференция бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, Олий Мажлис Сенати қўмитаси ҳузуридаги экспертлар, соҳа олимлари, олий ҳарбий ва олий ўқув юртлари курсант ҳамда талабалари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Конференция

Конференцияда сўзга чиққан Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон халқининг фашизмга қарши курашдаги муносиб ҳиссаси, жасорат ва фидойилигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, у яқинлашиб келаётган 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Ғалабанинг 81 йиллиги муносабати билан барча иштирокчиларни табриклаб, уруш қурбонлари хотирасига ҳурмат бажо келтириш ҳар бир авлоднинг муқаддас бурчи эканини қайд этди.

Маълум қилинганидек, сўнгги йилларда олиб борилган илмий изланишлар натижасида Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ўзбекистонликлар сонига оид янги маълумотлар аниқланди. Жумладан, фронтга сафарбар этилганлар сони 1 млн. 951 минг нафарни ташкил этгани, бу эса ўша даврдаги аҳолининг қарийб учдан бир қисми экани таъкидланди. Шу билан бирга, ҳалок бўлганлар сони 538 мингдан зиёд, бедарак йўқолганлар эса 158 минг нафардан ортиқ экани айтилди.

Уруш қатнашчилари ва фронт орти меҳнат фахрийларининг жасоратини абадийлаштириш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, тарихий хотирани асраш масалалари муҳокама қилинди. Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган Ғалаба боғи ва амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар бу йўналишда муҳим аҳамият касб этаётганига урғу берилди.

Тадбир доирасида, шунингдек, Италияда нашр қилинган “IL Contributo del popolo Dell’ Uzbekistan alla vittoria nella seconda guerra mondiale” (“Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси”) китоб-альбомининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Конференция якунида иштирокчилар Иккинчи жаҳон уруши тарихи бўйича илмий тадқиқотларни янада кенгайтириш, архив материалларини чуқур ўрганиш ҳамда жамоатчиликка етказиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқди.

«Халқ сўзи».

ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ҲАМКОРЛИК ДАСТУРИ

Кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳри май ойининг бошида яна цивилизациялар чорраҳасига айланди. Бу ерда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 59-йиллик йиғилиши ўтказилиши Президентимизнинг мамлакатни халқаро молиявий ва сиёсий мулоқотнинг асосий марказларидан бирига айлантиришга қаратилган изчил сиёсатининг амалий ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Янги Ўзбекистон халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун тобора муҳим майдонга айланиб бормоқда. Очиқ бозор иқтисодиётига эга ва изчил ислоҳотларни амалга ошираётган Янги Ўзбекистон бутун Осиё-Тинч океани минтақаси ривожланиш траекториясини белгилаб берувчиларни муносиб кутиб олди.

Форумда Янги Ўзбекистон ислоҳотлар йўлининг самарадорлигига оид аниқ далиллар келтирилди. 2016 йилдан буён мамлакат иқтисодиётига 150 миллиард доллар хорижий инвестициялар жалб қилинди. ЯИМ ҳажми 50 миллиарддан 147 миллиард долларгача, товар ва хизматлар экспорти эса уч баробар ошди. Камбағаллик даражаси деярли 35 фоиздан 5,8 фоизгача пасайди. Бу 8,5 миллион нафар муҳтож фуқаронинг даромадлари сезиларли даражада оширилганини англатади.

Халқаро молиявий ҳамжамият ҳам бу ўзгаришларни алоҳида эътироф этмоқда. 2020 йилдан буён мамлакат суверен кредит рейтингларини изчил яхшилаб бормоқда.

Бугунги кунда амалга оширилган ва давом этаётган лойиҳаларнинг умумий портфели қарийб 16 миллиард долларга етди. 2025 йилда эса йиллик мажбуриятлар ҳажми рекорд даражада — 1,4 миллиард доллардан ошди. Ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон банкнинг минтақадаги йирик ҳамкорлари қаторига кирди.

Бунинг аниқ натижалари фуқароларнинг кундалик ҳаётида сезилмоқда. 1 400 километрдан ортиқ темир йўл ва 1 700 километрлик автомобиль йўллари модернизация қилинди. 4 минг километрлик сув таъминоти тармоқларида ишлар якунланиб, 750 га яқин таълим муассасаси янгиланди. Ушбу рақамлар ортида сифатли таълим, тоза ичимлик суви ва замонавий инфратузилма имкониятига эга бўлган минглаб оилалар турибди. ЎзЛиДеП фракцияси ва унинг аъзолари айнан шундай фалсафага содиқ, яъни иқтисодий ўсиш инсон ҳаётини яхшилагандагина ҳақиқий маъно касб этади.



Йиғилиш доирасида умумий қиймати 12,5 миллиард долларлик “Ўзбекистон — ОТБ 2030 йилгача” янги ҳамкорлик дастури имзоланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу ҳужжат инфратузилма, давлат бошқаруви ислоҳотлари, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, давлат-хусусий шериклик механизмлари ва инсон капиталини ривожлантиришни қамраб олган батафсил ишлаб чиқилган “Йўл харитаси”дир.

Президентимиз ушбу нуфузли форумда сўзлаган нутқида банк билан ҳамкорликнинг тўртта стратегик устувор йўналишини белгилаб берди. Илгари сурилган муҳим ташаббуслар эса нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг узоқ муддатли ўсиши учун асос яратиб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Партиямиз ва унинг парламентдаги депутатлари очиқ бозор иқтисодиёти, хусусий ташаббусларни ва мамлакатни глобал иқтисодий маконга интеграциялаш тамойилларини ҳимоя қилади. Шу муносабат билан биз ОТБнинг Самарқанд форумини Янги Ўзбекистон дастурий мақсадларининг жонли ифодаси, деб биламиз.

Давлатимиз раҳбари ташаббусларининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши Ўзбекистоннинг 2030 йилга бориб иқтисодиётнинг барча тармоқларини технологик ўсиш моделига ўтказган ҳолда даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига киришига имкон яратади. Мамлакатимиз бугун айнан шу эзгу мақсад йўлида собитқадам бўлиб бормоқда.

Актам ҲАИТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ: ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗЛАР

Президентимизнинг шу йил 5 майдаги “Соғлиқни сақлаш тизимида бошқарув самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Фикр

Мазкур фармон соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, бошқарувни самарали ташкил этиш ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий кўмак сифатини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Бинобарин, ҳужжатда соғлиқни сақлаш тизимида марказлашган бошқарувдан босқичма-босқич воз кечилиб, ҳудудий даражада мустақил қарор қабул қилиш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса жойлардаги муаммоларни тезкор ҳал этиш, ресурсларни мақсадли тақсимлаш ва аҳолининг эҳтиёжларига мос хизмат кўрсатиш имконини беради.

Бошқарув жараёнларида ортиқча бюрократик тўсиқларни қисқартириш орқали эса тизимнинг ишлаш тезлиги ва самарадорлигини ошириш кўзда тутилган. Бу каби чора-тадбирлар амалиётда тиббиёт муассасалари фаолиятини янада эркин ва самарали қилади.



Фармонда рақамли технологияларни кенг жорий этиш масаласи ҳам устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Электрон тиббий карталар, ягона ахборот тизимлари ва онлайн мониторинг платформаларини жорий қилиш орқали эса маълумотлар шаффофлиги таъминланади. Бу нафақат бошқарув қарорларини қабул қилишни енгиллаштиради, балки коррупция хавфини камайтириш, молиявий ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради. Рақамлаштириш орқали беморлар учун ҳам қулайликлар ошади, вақт тежалиб, хизмат кўрсатиш жараёни тезлашади.

Айтиш жоизки, ҳар қандай тизим самарадорлиги, аввало, унда фаолият юритаётган кадрларга боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, фармонда тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, уларни доимий ўқитиш ва қайта тайёрлаш, муносиб меҳнат шароитларини яратишга ҳам катта эътибор қаратилган.

Ўз навбатида, Қонунчилик палатаси фаолиятида бу соҳа доимий эътиборда. Ўтган даврда депутатлар томонидан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимлари манфаатларини муҳофазалашга қаратилган қатор муҳим қонунлар қабул қилинди. Назорат-таҳлил тадбирлари доирасида республикамизнинг барча ҳудудида ушбу соҳадаги масалалар мунтазам ўрганиб борилмоқда. Табиийки, фармон ижросини таъминлашда ҳам халқ вакиллари фаол бўлади.

Зебинисо РАҲМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг мустабид тузум даврида қатағон қилинган 161 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукмлари эълон қилинди.

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ ЗАНЖИРИ ТЎЛИҚ ШАКЛЛАНИШИ ЛОЗИМ

Мамлакатимизда 2016 йилда бошланган Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳар жабҳада ўз самарасини бермоқда. Хусусан, халқ билан самарали мулоқот тизими, уй-жой қурилиши, энергетика таъминоти, тадбиркорлик муҳити, сўз эркинлиги, давлат хизматлари кўрсатиш каби қатор йўналишларни мисол сифатида келтириш мумкин.

Муносабат

Чарм-пойабзал ва мўйначилик саноати ҳам иқтисодиётнинг ривожланиб бораётган тармоқлардан биридир. Жумладан, кейинги йилларда соҳани ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор натижасида ишлаб чиқариш занжирининг узвийлиги таъминланди. Бу борада “Хомашёдан — тайёр маҳсулотгача” тамойили асосида терини қайта ишлашдан тортиб ундан қўшилган қийматли, рақобатбардош ва экспортбоп тайёр маҳсулотлар олишгача бўлган барча босқичларни қамраб олувчи яхлит тизим яратилди.

Аҳамиятлиси, соҳани ривожлантиришга доимий равишда эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 5 май куни Президентимиз раҳбарлигида чарм-пойабзал саноатига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди ва унда соҳанинг бугунги ҳолати муҳокама қилиниб, истиқболига доир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда ушбу тармоқни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар муайян натижалар бермоқда. Ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, экспорт кўрсаткичлари яхшиланяпти. Жорий йилнинг дастлабки чорагида 962 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 25 фоиздан ошгани бу йўналишдаги ижобий ўзгаришларни яққол кўрсатиб турибди.

Бироқ йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан рақамлар ортида ечимини кутаётган қатор тизимли муаммолар ҳам мавжудлиги алоҳида қайд этилди. Хусусан, хомашёни чуқур қайта ишлаш даражасининг пастлиги айтилди. Шунингдек, мамлакатда тери ва жун каби хомашё ресурслари етарли бўлишига қарамай, уларнинг катта қисми ҳали ҳам тўлиқ қиймат занжирига киритилмаган.

Мисол учун, қўй ва эчки терисини қайта ишлаш даражаси тахминан 30 фоизни ташкил этса, жунни қайта ишлаш кўрсаткичи атиги 15 фоиз атрофида қолмоқда. Бу ҳолат хомашё, асосан, дастлабки шаклда экспорт қилиниб, юқори қийматли тайёр маҳсулотга айлантириш имконияти тўлиқ ишга солинмаётганини англатади.



Натижада қўшилган қиймат занжири тўлиқ шаклланмай қолмоқда. Бу эса нафақат саноатнинг ривожланиш суръатига, балки иш ўринлари яратиш, экспорт ҳажмини ошириш ва иқтисодий самарадорликка ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис хомашёни чуқур қайта ишлашни ривожлантириш саноат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

2030 йилга қадар ишлаб чиқаришни 12 триллион сўмга, экспортни эса 500 миллион долларга етказиш катта салоҳият ва қатъий ёндашувни талаб этади. Бу вазифаларни амалга ошириш учун тармоқни тубдан қайта кўриб чиқиш, замонавий ёндашувларни жорий қилиш зарур.

Шу нуқтаи назардан, ихтисослаштирилган саноат зоналарини ташкил этиш ташаббуси бу борада айни муддао бўлди. Тошкент вилоятининг Оҳангарон ва Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманларида барпо этиладиган бундай зоналар ишлаб чиқариш, логистика ва кадрлар тайёрлашни бир нуқтада жамлаш имконини беради. Айниқса, Оҳангаронда экологик талабларга жавоб берадиган марказлашган сув тозалаш тизимининг яратилиши нафақат самарадорликни, балки барқарорликни ҳам таъминлайди.

Кўпчиликка яхши маълум, бу соҳада хомашё базасини кенгайтириш масаласи ҳам долзарб ҳисобланади. Жумладан, қўшни давлатлардан тери импорт қилиш, тадбиркорлар учун “ягона дарча” тамойилини жорий этиш, транспорт харажатларини қисман қоплаш каби чора-тадбирлар ишлаб чиқаришни барқарор хомашё билан таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, терини йиғиш ва бирламчи қайта ишлаш тизимини ривожлантириш орқали ички ресурслардан самарали фойдаланиш ҳам яхши самара беради.

Сирдарё вилоятида жунни қайта ишлаш соҳасида йирик саноат мажмуасини барпо этиш режаси тармоқ тараққиётида мутлақо янги босқични бошлаб бериши кутилмоқда. Қуввати 30 минг тонна бўлган ушбу лойиҳа амалга оширилса, хомашёни чуқур қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулотгача бўлган узлуксиз технологик занжир яратилади. Бу эса нафақат ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади, балки қўшилган қийматни бир неча баробар кўпайтиришга ҳисса қўшади.

Анна ДОБРИХ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Инновация

АГРАР СОҲА ИСТИҚБОЛИ ДРОНЛАРГА ҲАМ БОҒЛИҚ

Қишлоқ хўжалигида сўнгги йилларда кенг қўлланилаётган замонавий агротехнологиялар, инновацион усуллар экинга ишлов бериш борасидаги анъанавий қарашлару усулларни ҳам буткул ўзгартириб юбормоқда. Айтайлик, томчилатиб суғориш тизими қўлланилган майдонларга жўяклараро пластмасса қувурчалар ётқизилгани туфайли трактор ва механизмларни киритиб бўлмайди. Бу эса аграр соҳада агродронлардан кенг фойдаланишни тақозо қилаётир.

Республикамизда 2025 йил томчилатиб суғориш технологияси 2,6 млн. гектар экин майдонида жорий қилингани, бу кўрсаткич 2028 йилгача 3,5 млн. гектарга етказилишини инобатга оладиган бўлсак, эндиликда аграр соҳа истиқболи бевосита масофадан бошқариладиган қурилмалар — дронларга боғлиқлиги ойдинлашади.



— Хитой, АҚШ, Германия, Швейцария, Нидерландия, Швеция, Япония сингари давлатларда аллақачон дронлардан фойдаланишга ўтилган, юртимизда ҳам бугунги кунда мазкур учувчисиз учиш қурилмаларини қўллашга киришилмоқда, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ерлар деградациясига қарши курашиш ва маълумотларни таҳлил қилиш бўлими бошлиғи Саъдулла Зайнабудинов. — Аслида, дрон — том маънода мўъжиза. Унинг ёрдамида пайкалнинг ҳолатини ҳаводан мониторинг қилиш, айрим хизматларни экинга зиён етказмасдан муаллақ ҳолатда амалга ошириш мумкин.

Мутахассиснинг эътироф этишича, Президентимизнинг 2021 йил 24 февралдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори республикамизнинг аграр тармоғида дронлардан фойдаланишга катта туртки берди. Ўша йили Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан картография, мониторинг ҳамда агротехника тадбирлари (ўғит, уруғ ва дори воситаларини сепиш) учун жами 9 та дрон харид қилиниб, тажриба сифатида қўллаш йўлга қўйилди.

Илмий хулосаларга кўра, ерлар ва экинларнинг ҳолатини, ўсимлик ва тупроқдаги намлик миқдорини, озуқа элементлари билан таъминланганлик даражасини, касаллик ва зараркунандаларнинг мавжудлигини аниқлашда бугун мониторинг дронларидан афзал техниканинг ўзи йўқ. Ҳам қулай, ҳам тезкор. Агро(спрей) дронлар эса арзон ва беминнат дастёрга айлангани сабабли унинг хизматига талаб ошмоқда. Ахир бу техникалар кўмагида суюқ ва қаттиқ кўринишдаги ўғитларни сепиш, ўсимликнинг касаллик ва ҳашаротларига қарши ишлов бериш мумкин.

— Ўтган йили Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан жами 100 та (50 та мониторинг ва 50 та спрей) дрон харид қилинди ва бу техникалар Хитой технологиясига кўра чигит экилган 10 минг гектардан зиёд пахта майдонларида юқори натижа кўрсатди, — дейди вазирлик тизимида ташкил этилган “Drone Service” корхонаси раҳбари Н. Ўринов. — Бундан ташқари, “DJI” компаниясидан 40 та “T100” ва 10 та “T70” русумли агродронларни ҳам олдик. “DJI” академиясида мутахассисларни ўқитишни ҳам йўлга қўйдик.

Н. Ўриновнинг сўзларига қараганда агродронлар қиммат, ўртача баҳоси 35 минг доллар. Аммо бугун юртимиз далаларида хорижнинг 100 — 150 минг доллардан баланд нархдаги тракторлари ишлаётганини эътиборга оладиган бўлсак, замонавий ускунанинг нархи кўпам юқори кўринмайди. Қолаверса, агродрон ёрдамида 1 гектар майдондаги ғўзани дефолиация ёки десикация қилиш тадбири мисолида трактор билан солиштирсак, сув 10 баравар, ёнилғи 5 карра кам сарфланиши аён бўлади. Энг асосийси, ушбу агротехника тадбири ўн чандон тез бажарилиб, ҳосилдорлик 20 фоизгача ошади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотига кўра, жорий йил республика бўйича 300 минг гектар (жами пахтазорнинг 34 фоизи) майдонда “Шинжон” усулида пахта етиштирилади. Бу пайкалларга тракторлар ва турли механизмлар билан ишлов беришнинг имконияти чекланган. Чунки суғориш ва озиқлантириш қўшқаторлар орасидаги қувурлар кўмагида амалга оширилади. Демак, фермер учун энг мақбул йўл — дронни қўллаш.

“Drone Service” корхонаси раҳбарининг айтишича, “Шинжон” усулида парваришланаётган пахта майдонларини тўлиқ қамраб олиш учун жами 120 дан ортиқ сўнгги русумдаги агродронлар ва 50 дан зиёд мобиль дронкомплекслари мавсумга ҳозирланган.

Бугун агродронларга талаб кундан-кунга ошаётгани табиий ҳол, албатта. Фермерларни қўя туринг, деҳқон хўжаликлари ва томорқачилар учун келгусида дрон сотиб олиш фойдали бўлиши тайин. Шу маънода, аввало, дрон хизматларини йўлга қўйиш, қолаверса, уни маҳаллийлаштириш ишларини жадаллаштириш зарур. Ана шунда ускунанинг нархи, ишлов бериш харажати ҳам кескин пасаяди.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАР ВА МУЛК ҲИМОЯСИ ҚОНУН БИЛАН МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Бугун дунё тараққиётини жаҳон ахборот тармоғи — Интернетсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Глобал тармоқ, том маънода, жамият ва давлат тараққиётининг энг муҳим драйвери, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ўзгаришлар, интеграцияни таъминловчи стратегик кучга айланди. Айниқса, унинг ахборот тарқатиш ва маълумотлар излаш имконияти тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада кенгайиб бормоқда. Бунинг исботини дунё бўйлаб интернет фойдаланувчилари сони 6 миллиарддан ошгани ва бу жами аҳолининг тахминан тўртдан уч қисмини қамраб олганидан ҳам кўриш мумкин.

Депутат шарҳи

Афсуски, “онлайн” тармоқ ривожлангани сари у билан боғлиқ хавф-хатарлар ҳам кучайиб боряпти. Яъни интернет ва ижтимоий тармоқлардан ғаразли мақсадларда фойдаланаётганлар кун сайин кўпаймоқда. Ҳатто тармоқни қинғир йўл билан даромад манбаига айлантирган уюшган жиноий гуруҳлар ҳам пайдо бўлди. Маълумотларга кўра, дунё бўйлаб ҳар сонияда 14 киши ёки кунига бир миллион шахс кибержиноят қурбонига айланмоқда. Кўрилаётган зарар миқдори эса катта мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотига тенг келадиган триллионлаб долларни ташкил этяпти.

Ўзбекистон ҳам бундай муаммолардан холи эмас. Юртимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 31 миллиондан ошгани, уларнинг 14 миллиони ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланаётгани яхши, албатта. Лекин шу билан бирга, интернетга боғлиқ хавф-хатарлар сони ҳам кескин ошиб боряпти. Жумладан, охирги беш йилда халқаро тармоқ билан боғлиқ жиноятлар 68 баравар кўпайган. Кибержиноятлар бўйича мурожаатлар сони эса 48 баравар ошган. Умуман, интернет оламидаги қинғирликлар сони жами жиноятларнинг 50 фоизини ташкил этмоқда.



Айниқса, бугун кибермаконда фуқаролар мол-мулки ва шахсий маълумотларига нисбатан тажовуз борган сари кучаймоқда. Биргина ўтган йили жисмоний ва юридик шахсларга етказилган моддий зарар миқдори 2 триллион сўмдан ошди. Бу миллий қонунчиликка интернет билан боғлиқ жиноятлар учун жазо чораларини кучайтириш, кибержиноятларнинг янги шакллари учун жавобгарлик белгилаш бўйича янги нормаларни киритиш вақти келганини кўрсатяпти. Чунки 2019 йилда интернет орқали 18 турдаги жиноят содир этилган бўлса, бугун улар сони 60 тадан ошди.

Ўрганишлардан маълум бўлдики, вазирлик ва идоралар, корхона ҳамда ташкилотлар глобал тармоқ билан боғлиқ жиноятларга қарши ўзлари билганича кураш олиб боряпти ва хавфсизлик чораларини етарли даражада таъминлай олмаяпти. Сабаби қонунчиликда бўшлиқлар бор эди. Ана шулар эътиборга олиниб, киберхавфсизликни таъминлаш ва рақамли муҳитда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг шу йил 28 апрель куни бўлиб ўтган мажлисида кўриб чиқилди ва биринчи ўқишда қабул қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларига банк карталари, электрон ва крипто-ҳамёнлар ҳамда уларни бошқариш имконини берувчи маълумотларни қонунга хилоф равишда бошқа шахсларга берганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланмоқда.

Шунингдек, SIM-карталар, шахсий аккаунтлар ва идентификация воситаларини бошқа шахсларга ноқонуний бериш ёки улардан фойдаланиш ҳолатлари учун ҳам жавобгарлик чоралари кучайтириляпти. Шу билан бирга, муҳим ахборот инфратузилмаси объектларида киберхавфсизлик талабларига риоя этмаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда. Банк ва тўлов ташкилотларида ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этилмагани сабабли юзага келган зарарни банклар ва тўлов ташкилотлари томонидан қоплаш механизми жорий қилинаётир.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятлар учун жазо чоралари кучайтирилиб, тергов органларига банк маълумотларини тақдим қилишнинг аниқ муддатларини белгилаш ҳамда ушбу талабларни бузганлик учун жавобгарлик чораларини қатъийлаштириш таклиф этилмоқда.

Чунки сўнгги йилларда пуллар, асосан, ўзга шахсларнинг номига расмийлаштирилган банк карталари ёки электрон ҳамёнлардан ўғирланяпти. Яъни банк карталари билан боғлиқ талон-торожликларнинг 95 фоизидан ортиғи айнан жиноятчига тегишли бўлмаган карталар орқали содир этилмоқда. Ноқонуний ўзлаштирилган пуллар эса крипто-активларга айлантирилиб, бошқаларнинг номига очилган электрон ҳамёнлар орқали хорижга чиқариб юборияпти. Бу жиноятлар фош бўлишини янада қийинлаштириб, айбдорлар жазодан қутулиб қолишига ёрдам бераётир.

Шу билан бирга, бошқа шахсларнинг SIM-карта ва шахсий аккаунтидан фойдаланиб, жиноят содир этиш ҳолатлари ҳам ортиб боряпти. Интернетда абонент рақами, шахсий маълумотлар савдоси билан шуғулланувчи 10 дан ортиқ канал ва гуруҳлар аниқланган. “One-ID”, “MY-ID” каби тизимлар орқали давлат хизматларидан фойдаланиш тобора кенгайиб бораётгани эътиборга олинса, шахсий аккаунтларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланишни қонун билан тартибга солиш бугун муҳим масалага айланди.

Ушбу жиноятларга қарши курашиш тизими депутатлар томонидан мунтазам мониторинг қилиб борилмоқда ва бу масала доимо парламент назоратида бўлади.

Зуҳра МИРҒОЗИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

ТОШКЕНТ МИНТАҚАНИНГ МОЛИЯВИЙ ХАБИГА АЙЛАНМОҚДА

Катта ислоҳотлар, одатда, бир кунда пайдо бўлмайди. Улар дастлаб ғоя сифатида туғилади, вақт ўтиши билан шаклланади ва ниҳоят аниқ қарорга айланади. Тошкент халқаро молия маркази (ХММ)ни ташкил этиш ташаббуси ҳам айнан шундай йўлни босиб ўтди, десак, айни ҳақиқат.

Ислоҳот

2018 йилнинг июлида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга ташрифи давомида Остона халқаро молия маркази (AIFC) фаолияти билан яқиндан танишуви бу йўналишдаги дастлабки қадамлардан бири бўлди. Ўшандаёқ мамлакатимиз раҳбари кўнглида “Нега бундай марказ Ўзбекистонда ҳам бўлмаслиги керак?” деган табиий савол пайдо бўлгани, шубҳасиз. Вақт ўтиши билан ушбу ғоя аниқ стратегияга айланди. 2024 йил июль ойида ўтказилган Хорижий инвесторлар кенгашининг иккинчи ялпи йиғилишида капитал бозорини ривожлантириш ва халқаро талабларга жавоб берадиган инфратузилма — Халқаро молия марказини яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари ҳар бир таклиф ва лойиҳа бўйича алоҳида “Йўл харитаси” қабул қилиниши ва улар шахсий назоратда бўлишини таъкидлади.

Шу маънода, Президентимизнинг 2026 йил 30 мартдаги “Тошкент халқаро молия марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони мамлакат иқтисодиётини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим қадам ва халқаро капитал бозорига ташланган очиқ чақирикдир.

Капитал учун глобал кураш

Бугун дунёда пул, инвестициялар ва иқтидорли мутахассислар учун ҳақиқий рақобат кураши кечмоқда. Мамлакатлар бизнес учун қулай махсус молиявий “майдончалар” яратиб, сармоя жалб қилмоқда.

Дейлик, нега бизнес саҳродаги Дубайни танлайди? Нега компаниялар Кайман оролларида рўйхатдан ўтади? Ёки нега инвесторлар ёнгинамиздаги Остонага келади? Жавоб оддий: қонунлар тушунарли, инвестициялар ҳимояланган, бизнес юритишга тўсиқ кам. Гарчи капитал ватансиз бўлса-да, қоидаларга қаттиқ боғланган, шу боис у ишонч бор жойни танлайди.

Президентимиз айтганидек, кўплаб халқаро компаниялар минтақавий хавф-хатарларни баҳолаб, янги бозорларни ўрганишни бошлаган. Бу биз учун тарихий имконият. Шу вазиятда фурсатни бой бермасдан, халқаро молия компанияларини ўзимизга тезроқ жалб қилишимиз шарт.

Тошкент халқаро молия маркази айни шу мақсадга қаратилган шунчаки ислоҳот эмас, балки институционал сакрашдир. Ҳисоб-китобларга кўра, 2030 йилгача молия маркази иқтисодиётга қўшимча 20 — 25 млрд. доллар сармоя жалб этиши, ялпи ички маҳсулот ўсишига ҳар йили қўшимча 1 фоизгача ҳисса қўшиши мумкин. Айни пайтда 15 минггача янги юқори малакали иш ўрни яратиш ва 10 минг нафар мутахассис малакасини оширишга хизмат қилади.

Очиғи, постсовет ҳудудида тўлиқ шаклланган халқаро молиявий марказ модели кам учрайди. Амалда бундай тизим тўлиқ ишлаётган ягона маскан Остона марказидир. 2025 йил якунларига кўра, “AIFC” орқали 6 млрд. доллар сармоя жалб қилинди. Бу — аввалги йилдагига нисбатан қарийб икки баробар кўп.

Йил давомида марказда 1400 дан ортиқ янги компаниялар рўйхатдан ўтган. Бу эса “AIFC”нинг халқаро бизнес учун жозибадор майдонга айланаётганини кўрсатади. Марказ қошидаги биржа орқали эса деярли 5 млрд. долларлик капитал жалб қилинди. Бу молиявий инфратузилманинг фаол ишлаётганидан далолат беради.

Бинобарин, бундай марказлар, одатда, оддий миллий қонунлар билан ишлай олмайди. Шунинг учун у алоҳида конституциявий қонун даражасида тартибга солинадиган махсус ҳуқуқий режимга эга бўлади. Марказ ҳудудида фуқаролик ва тижорат ҳуқуқи, молия ва банк қоидалари, солиқ ва меҳнат муносабатлари, маълумотлар ҳимоясини таъминлаш каби йўналишлар учун алоҳида қоидалар амал қилади.

Эркинлик бор, лекин мустақиллик йўқ

Ҳужжат билан танишганларнинг айримларида савол туғиляпти: ХММ давлат ичидаги давлатми?

Мутлақо йўқ. Ҳа, марказда алоҳида ҳуқуқий режим — ўз суди ва арбитражи, махсус солиқ тизими бўлади. Шу сабабли, у “алоҳида ҳудуд”дек туюлади. Лекин у суверен эмас, алоҳида давлат ҳам эмас, қонунлар Ўзбекистон томонидан тасдиқланади, тўлиқ назорат эса давлат қўлида бўлади. Соддароқ айтганда, Ўзбекистон ҳудудида махсус майдон яратилади. У ердаги ўйин қоидалари халқаро стандартларга мос бўлади.

Бир қарашда ХММ офшорларга ҳам ўхшаб кетади. Лекин улар орасида катта фарқ бор. ХММда реал бизнес юритилади, инвестициялар жалб этилади, қатъий назорат ва шаффофлик яратилиб, халқаро стандартлар қўлланилади. Офшор зоналарда эса кўпинча солиқ оптимизация қилинади, компаниялар аксарият “қоғозда” фаолият кўрсатади, юқори махфийликка риоя этилади, баъзан шубҳали операциялар амалга оширилади. Шунинг учун ХММга ўсиш воситаси, офшорга эса кўпроқ солиқдан қочиш инструменти сифатида қаралади.



Таъкидлаш керакки, глобал капитални жалб қилиш учун халқаро молия марказларига ҳам солиқ ва бошқа имтиёзлар берилади. Зеро, капитал доимо солиқ паст, бюрократия кам, қоидалар аниқ бўлган жойга оқади.

Шу ўринда табиий савол туғилади: нега бундай имтиёзлар маҳаллий бизнесга ҳам берилмайди?

Агар имтиёзлар барчага тенг тақдим этилса, бюджет тушумлари камайиши мумкин. Яна айнан шу имтиёзлар фақат муайян ҳудуд ёки секторларга берилса, компаниялар солиқ юкини камайтириш учун шу жойларга “кўчиб ўтиш”га ошиқади. Зеро, имтиёзлар мақсад эмас, восита. Агар улар иқтисодий фаоллик яратмаса, улар шунчаки бюджетдан воз кечишга айланади. Айни чоғда маҳаллий бизнес ҳам эътибордан четда эмаслигини, эркин иқтисодий зоналар, солиқ имтиёзлари яратилаётгани, субсидиялар ажратилаётганини эсдан чиқармаслик зарур.

Ўсиш драйвери ёки хатар манбаи?

ХММ миллий иқтисодиётга кучли таъсир кўрсатади. Хорижий инвестициялар оқими ошади, молиявий сектор ривожланади, ЯИМ ва солиқ тушумлари ўсади, юқори маошли иш ўринлари яратилади, бизнес муҳит яхшиланади, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви тезлашади.

Айни вақтда “унинг хатарли томонлари ҳам бор”, дейишмоқда эксперт-лар. Уларнинг фикрича, иқтисодиётнинг ташқи капиталга боғлиқлиги ошади, бозор “пуфаклари” пайдо бўлади, тенгсизлик кучаяди, иқтисодиёт “иситма”га тушади, ноқонуний операциялар хавфи пайдо бўлиб, реал сектор заифлашиши мумкин.

Демак, халқаро молия марказлари бир вақтнинг ўзида ҳам имконият, ҳам хатар манбаи ҳисобланади. Бу ерда бошқарув сифати ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Кучли институтлар шароитида улар иқтисодий ўсиш драйверига хизмат қилади, акс ҳолда эса мавжуд муаммоларни янада кучайтириши мумкин.

ХММ локал молиявий институтларга икки хил таъсир кўрсатади. Бир томондан, янги технологиялар келади, хизмат сифати ошади, рақобат кучаяди. Бошқа томондан, мижозлар ХММга ўтиши, энг яхши кадрлар кетиши, заиф компанияларнинг бозордан чиқиши эҳтимоли пайдо бўлади. Содда айтганда, ХММ “фильтр” вазифасини ўтайди: кучлиларни кучайтиради, тайёр бўлмаганларни сиқиб чиқаради. Пировардида мижозлар ютади.

Яна савол туғилиши мумкин: яратилаётган марказдан нималарни кутяпмиз?

Қулай ва шаффоф молиявий муҳит яратиш, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш, капитал бозорини ривожлантириш, халқаро молия бозорлари билан интеграциялашувни. Шунингдек, банк ва суғурта хизматлари, исломий молия, финтех ва рақамли активлар, электрон тижорат каби йўналишларни ривожлантиришни.

Бу марказ атрофида аудиторлик, консалтинг, юридик хизматлар, комплаенс каби профессионал хизматлар экотизими ҳам шаклланади.

Ҳадемай, бўй чўзажак халқаро молия маркази Тошкент ва мамлакатимиз учун жуда ярашиқли ҳамда стратегик аҳамиятга эга. Юртимизнинг бой табиий ресурслари, иқтисодий салоҳияти ва ислоҳотлари эса бу борада катта устунлик яратмоқда.

Ишонч билан илк қадамни ташладик, бу бизнинг бўлғуси рақобатга ростмана тайёр эканимизни, Тошкентни минтақавий молиявий хабга айлантира олишимизни кўрсатмоқда. Бу ишонч, институтлар ва ҳақиқий бозор маданиятини қуриш, демакдир.

Асқар ҲАЙДАРОВ,
иқтисодий шарҳловчи.

2026 йил 1 августдан бошлаб юртимизда саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қоидалари бузилиши юзасидан хабар берган шахслар рағбатлантирилади.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 7 май

МИЛЛАТ МАЪНАВИЯТИНИНГ ТИРИК МАНБАИ

Давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятига ташрифи доирасида илгари сурган ташаббуслари мамлакатимиз маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Айниқса, Қўқон адабий муҳити ҳақидаги мулоҳазалари нафақат адабиётшунослар, балки кенг жамоатчилик учун ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, ўзбек адабиёти тарихида Қўқон адабий муҳитининг ўрни беқиёс. Бу заминда 300 дан зиёд шоир ва адиблар яшаб, ижод қилган. Шундай улкан адабий меросга эга шаҳарнинг ЮНЕСКОнинг "Адабиёт шаҳри" мақомига муносиб экани ҳақидаги фикр, аввало, тарихий ҳақиқатга таянади. Бу эътироф, бир томондан, миллий адабиётимизга берилган юксак баҳо бўлса, иккинчи томондан, олдимизга катта масъулият ҳам қўяди. Чунки Президентимиз таъкидлаганидек, Қўқоннинг бой адабий мероси ҳалигача тўлиқ тизимли ўрганилмаган, кўплаб манбалар, девонлар, тазкиралар, тарихий ҳужжатлар чуқур тадқиқотларни кутиб турибди.

Нуқтаи назар

Сўз санъати тарихида ноёб ҳодиса

Қўқон адабий муҳитининг тарихий-бадиий тавсифи кўплаб манбаларда ўз ифодасини топган. Булар сирасига Фазлий Намангонийнинг "Мажмуаи шоирон" тазкираси, "Умарнома" асари, Мушриф Исфарагийнинг "Шоҳномаи Нусратпаём", Ҳакимхон Тўранинг "Мунтахаб ут-таворих", Исҳоқхон Ибратнинг "Фарғона тарихи", Дилшоди Барнонинг "Тарихи муҳожирон", Мирза Олим Мушрифнинг "Ансоб ус-салотин ва таворих улхавоқин", Мулла Олим Махдум Ҳожининг "Тарихи Туркистон" каби асарлари киради.

Қўқон адабий муҳити ўзбек адабиёти тарихидаги энг ёрқин ва сермаҳсул адабий ҳодисалардан биридир. XVII-XVIII асрларда шаклланган мазкур муҳит ўз атрофида юзлаб ижод аҳлини бирлаштирган, миллий сўз санъатимиз тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган улкан маданий мактаб ҳисобланади. Бу муҳитнинг ташаккули Амир Умархон — Амирий номи билан чамбарчас боғлиқ. У давлат арбоби сифатида мамлакат равнақи учун хизмат қилган бўлса, шоир ва маърифатпарвар сифатида адабиёт тараққиётига раҳнамолик қилди.

Мутахассислар Амирий даври адабиётини XV асрда Ҳусайн Бойқаро раҳнамолигида шаклланган Ҳирот адабий муҳити билан қиёслайди. Амирий адабий сиёсатининг энг муҳим жиҳати — ижод аҳлини бирлаштириш, улар учун эркин муҳит яратиш, бадиий сўзга ҳомийлик қилиш бўлган.

Қўқон адабий муҳитининг ўзига хос жиҳатлари талайгина. Буларга ўзбек тилида тамсилий ва эпик жанрлардаги асарларнинг яратилиши, асарларнинг кўчирилиши ва рағбатлантирилиши, форс-тожик ҳамда туркий шеърият услублари синтезининг амалга ошиши, зуллисонайнлик, тазкирачилик анъаналарининг тикланиши, китобат ва таржимачиликнинг жонланиши, аёллар шеъриятининг пайдо бўлиши шулар жумласидан.



Қўқон адабий муҳитининг тараққиётида Амирий билан бир қаторда, Моҳларойим Нодиранинг ҳам хизмати беқиёс. Нодира нафақат йирик лирик шоира, балки бутун бир адабий ҳаракатнинг маънавий раҳнамоси эди. Амирий ва Нодира томонидан яратилган муҳитнинг энг диққатга сазовор жиҳати аёл ижодкорларга кенг имконият берилгани билан изоҳланади. Бу Бухоро ва Хива адабий муҳитларида деярли кузатилмайди. Натижада Қўқонда Увайсий, Нодира, Дилшоди Барно, Маҳзуна, Анбар отин каби атоқли шоиралар етишиб чиққан. Мазкур ҳолат Қўқон адабий муҳитини нафақат миллий, балки жаҳон адабиёти тарихи нуқтаи назаридан ҳам феномен ҳодиса сифатида баҳолаш имконини беради.

Таҳлил қилинмаган адабий манбалар

Амирий асос солган адабий мактабнинг анъана ва тамойиллари баъзан мавжуд тарихий-маданий, ижтимоий-сиёсий воқелик таъсирида муайян ўзгаришларга учраганига қарамай кейинги асрларда ҳам ўз таъсирини сақлаб қолди. Муқимий, Фурқат, Завқий, Муҳйи, Нисбатий, Қорий, Гурбат, Ёрий, Нусрат, Писандий, Рожий, Наййирий, Мирзо Хўқандий, Маҳмуд Ҳаким Яйфоний, Муҳсиний, Шайдои Хўқандий, Мавлавий Йўлдош, Фироқий, Чархий каби ижодкорлар Қўқон адабий анъаналарини янги тарихий шароитда давом эттирди.

Муқимий ва Фурқат ижодида миллий уйғониш ғоялари, мустамлакачиликка қарши руҳ, маърифатпарварлик ғоялари кучли акс этди. Бу даврда Қўқон адабий муҳити нафақат эстетик, балки ижтимоий фикр марказига ҳам айланди.

Адабиётшуносликда Қўқон адабий муҳити ҳақида дастлаб Садриддин Айний "Намунаи адабиёти тожик" тазкирасида маълумот бериб ўтади. Унда айтилишича, Амирий истеъдодли шоиргина бўлиб қолмай аҳли шуаро ва фузалонинг мураббийси ҳам эди. Алишер Навоийдан кейин Туркистонда ривожланишдан тўхтаган туркий шеърият айни Амир Умархон даврида иккинчи марта тараққиёт чўққисига чиқди. Вадуд Маҳмуд эса Умархонни "...Шарқ турк шеърининг иккинчи олтин даври бошлиғи", деб айтади.

Фитратнинг қайд этишича, "Умархон замонида сарой атрофида бир кўб шоирлар йиғилдилар. Булар орасида Фазлий, Ҳозиқ, Хижлатхон каби санъатда юқори даражада турганлари бор эди". Шунга кўра О. Шарафиддинов "Фарғона хонлари адабий-маданий ҳаракатчиликда темурийлар традициясини тирилтиришга уриндилар", дея таъкидлаган.

Айтиш жоизки, Қўқон адабий муҳити ҳақида илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, улар ҳали тўлиқ эмас. А. Қаюмов ўзининг "Қўқон адабий муҳити" номли тадқиқотида бу муҳит намояндалари ҳаёти ҳамда ижодини илк маротаба ҳар томонлама кенг ва чуқур тадқиқ қилади.

Истиқлол йилларида Қўқон адабий муҳитининг Амирий, Нодира, Увайсий, Муҳсиний, Муҳаййир, Фироқий, Чархий каби шоирлари ижодига бағишланган тадқиқотлар олиб борилди. Лекин ҳали ўрганилмаган қўлёзмалар, нашр этилмаган девонлар, таҳлил қилинмаган адабий манбалар кўп. Мазкур манбалар юртимизда биринчи бўлиб Қўқонда 1961 йилда ташкил этилган адабиёт музейида сақланмоқда. Музейда 12 мингдан ортиқ экспонатлар мавжуд бўлиб, уларнинг 2 мингдан кўпи ноёб қўлёзмалардир. Музей — Ўзбекистондаги энг бой қўлёзма хазиналаридан бири. Келажакда бу китобларни илмий ўрганиб, нашр этиш мақсадга мувофиқ, албатта.

Президентимиз томонидан "Қўқон адабий муҳити антологияси" ва электрон платформасини яратиш ташаббусининг илгари сурилиши айнан шу эҳтиёждан келиб чиққан, десак, муболаға эмас. Ушбу лойиҳа адабий меросни тизимлаштиради, рақамлаштириш орқали кенг оммага етказади, илмий тадқиқотлар учун янги имкониятлар яратади, қолаверса, ёш тадқиқотчиларни соҳага жалб этишда муҳим аҳамиятга эга.

> *"Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Фарғона вилоятида 100 та намунавий маҳалла кутубхонаси ташкил этилиши, "book-cafe"лар учун имтиёзлар берилиши жуда муҳим қарор. Бу масканлар китоб ўқиш жойи бўлиши билан бирга, ижодий мулоқот, фикр алмашиш, маънавий камолот майдонига айланади. Бундай муҳитда вояга етган ёшлар нафақат билимли, балки юксак маънавиятли шахслар бўлиб шаклланади."*

Тарбиянинг сўнмас асоси

Бугунги ахборот хуружлари даврида инсон онги ва тафаккури турли таъсирларга дуч келмоқда. Интернет тармоқлари, ижтимоий платформалар орқали тарқалаётган нотўғри ҳамда чалкаш маълумотлар ёшлар онгида мураккаб қарашларни шакллантириши мумкин. Ана шундай шароитда китоб мутолааси инсонни чуқур фикрлашга, воқеликни таҳлил қилиш, мустақил хулоса чиқаришга ўргатади. Китоб — фақат маълумот манбаи эмас, балки шахс маънавиятини шакллантирувчи, унинг дунёқарашини кенгайтирувчи муҳим тарбия воситаси.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Фарғона вилоятида 100 та намунавий маҳалла кутубхонаси ташкил этилиши, "book-cafe"лар учун имтиёзлар берилиши жуда муҳим қарор. Бу масканлар китоб ўқиш жойи бўлиши билан бирга ижодий мулоқот, фикр алмашиш, маънавий камолот майдонига айланади. Бундай муҳитда вояга етган ёшлар нафақат билимли, балки юксак маънавиятли шахслар бўлиб шаклланади.

Ушбу ташаббуслар халқаро миқёсда ҳам ўз аҳамиятига эга. Хусусан, ЮНЕСКОнинг "Адабиёт шаҳри" мақомини қўлга киритиш йўлида шу каби амалий ишлар муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Китобхонликни ривожлантиришга қаратилган ҳар қандай ташаббус, бу — миллат келажагига қаратилган инвестиция. Китоб ўқийдиган жамият фикрлайдиган, тараққий этадиган жамият, десак, айни ҳақиқат.

Янги уйғониш остонасида

Бугун Қўқон адабий муҳитини кенг қамровда ўрганиш янги босқичга қадам қўймоқда. Шоирларнинг ижоди бўйича юзлаб қўлёзма ва тошбосма манбаларни жорий алифбога табдил этиш, турли тилларга таржима қилиш, мазмун ва моҳиятини ўрганиш ва уларнинг тарғиботи долзарб вазифалардан.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш мақсадида Қўқон университетида Қўқон адабий муҳитини ўрганиш илмий марказини ташкил этиш ишларини бошлаб юбордик. Марказ фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва унга Қўқон адабий муҳити тадқиқи билан шуғулланаётган ёш олимларни жалб қилиш орқали Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятли ёшлари сони ортиб, аждодлар меросини келажак авлодга етказиш имконияти кенгаяди. Амалга оширилган тадқиқотлар, жорий алифбога ўгирилган матнлар китоб ҳолида чоп этиб борилади.

Қўқон адабий муҳитини ўрганишга ва тарғиб этишга эътибор кучайтирилиши бу адабий муҳит вакилларининг ижод намуналари жаҳон бўйлаб кенг тарқалишига замин яратади ҳамда бу ерга саёҳатчилар оқими кўпаяди. Президентимиз ташаббуси бу саъй-ҳаракатларга давлат миқёсида янги суръат бағишламоқда. Университетда фаолият бошлаётган илмий-тадқиқот марказлари, яратилажак электрон платформалар, янги нашрлар бу жараённинг амалий ифодаси бўлиб хизмат қилади.

Қўқон адабий муҳити фақат ўтмиш хотираси эмас, бу — миллат маънавиятининг тирик манбаи, янги авлод учун илҳом мактаби. Янги Ўзбекистоннинг маънавий тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор. Илгари сурилган ташаббуслар эса ана шу пойдевор устида Янги Ренессанс биносини барпо этишга қаратилгани билан ғоят аҳамиятли.

Зебо ҚОБИЛОВА,
Қўқон университетининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор.

Хушхабар

Муҳим диагностика воситаси маҳаллийлаштирилмоқда

Юртимизда қорамолларда учрайдиган туберкулёзни аниқлашга мўлжалланган диагностикумнинг миллий штамми тайёрланиб, ишлаб чиқаришга киришилди.



Бунга Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, профессор Гулмурод Мамадуллаев раҳбарлигидаги олимлар гуруҳи умумий қиймати 970 млн. сўмлик "Қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари туберкулёзини диагностика қилиш учун ППД-туберкулин препаратини ишлаб чиқариш ва тижоратлаштириш" лойиҳаси доирасида эришилди.

— Давлатимиз раҳбари ҳар гал ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан танишар экан, импорт ҳажмини кескин қисқартириш ҳамда маҳаллийлаштириш орқали экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш зарурлигини, бу борада олимлар ташаббускор бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлайди. Биз ана шу талабга жавобан иш бошладик ва ниҳоят натижа бўй кўрсатди, — дейди Гулмурод Мамадуллаев. — Айни пайтда республикамизда 14 млн. бошга яқин қорамоллар мавжудлигини, туберкулёзни ташхислаш учун камида 10 млн. доза диагностикум талаб этилишини эътиборга олсак, воситани маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш нечоғли муҳим экани ойдинлашади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, туберкулёз — хавфли касаллик, уни эрта ташхислаш хасталикнинг кўпайишига, ҳайвондан одамларга юқишига барҳам беради. Ўзбекистонга ҳар йили бу воситанинг 1 дозаси 2800 — 3000 сўмдан импорт қилинмоқда. ППД-туберкулин диагностикумини ўзимизда ишлаб чиқариш эса бундан икки ярим марта арзон тушиб, 1 дозанинг таннархи 1100 сўмдан ошмаслиги ҳисоб-китоб қилинган.

Бу йил 1 млн. доза импорт ўрнини босувчи ППД-туберкулин диагностикуми ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Агар бу восита кўпроқ тайёрланиб, импортдан тўлиқ воз кечилса, йилига камида 7 миллиард сўмдан ортиқ давлат маблағи тежалиши мумкин.

«Халқ сўзи».



Спорт

ПАРАПЛАН ИШҚИБОЗЛАРИ УРГУТДА

Самарқанд вилояти Туризм бошқармаси ҳамда Ургут тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида туманнинг сўлим масканларидан бири — Андак маҳалласи тоғ ёнбағрида Халқаро параплан фестивали бўлиб ўтмоқда.



Унинг доирасида Қозоғистон, Қирғизистон ва Россия давлатларидан 40 нафардан зиёд тажрибали спортчилар ҳамда параплан ишқибозлари ҳудудга ташриф буюрди. Улар нафақат мусобақаларда иштирок этмоқда, балки ўзаро тажриба алмашиш, янги йўналишлар ва техник имкониятларни муҳокама қилиш орқали соҳанинг ривожига ҳам ҳисса қўшмоқда.

Айни кунларда мусобақалар юқори руҳ ва кескин рақобат остида давом этмоқда. Иштирокчилар бетакрор тоғли ҳудудларда парвоз қилиб, ҳаводаги маҳорат, аниқлик ва жасоратни талаб этувчи чиқишлар орқали ўз салоҳиятини кўрсатяпти. Параплан шоулари эса томошабинлар учун ҳақиқий эстетик завқ бағишлаб, осмон бағридаги ранг-баранг манзаралар орқали фестивалга алоҳида жозиба қўшмоқда.

Табиат ва спорт уйғунлашган ушбу ҳудуднинг қулай табиий-иқлим шароити — барқарор шамол йўналишлари, кенг ва очиқ ландшафтлар, тоғ рельефининг ўзига хос тузилиши параплан спортини ривожлантириш учун ниҳоятда мос. Бу эса келгусида Ургутни Марказий Осиёдаги етакчи параплан марказларидан бирига айлантириш имконини беради.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Садриддин Айний музейи қачон замонавий қиёфа касб этади?

"Соктари "Янги Ўзбекистон" қиёфасидаги маҳаллага айланади", деган хабардан бу кўҳна манзилда яшовчиларнинг боши кўкка етди. Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан вилоятдаги 35 та маҳалла қатори Соктари ҳам аҳолининг истиқомат қилиши ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун намунали гўшага айлантирилаётганидан қувонмай бўладими?!

Таассуф

— Ҳудудимизда 6400 дан зиёд аҳоли яшайди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Худойберди Исматов. — Қарорга мувофиқ, бизга ҳам 5 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Бу сармояга 5 километр масофадаги йўлни асфальт қилиш, кичик боғ барпо этиш, ҳудудимиздаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби филиали биносини таъмирлаб, замонавий шарт-шароитлар яратиш каби ишларни бажариш режалаштирилмоқда.

Ғиждувон туманидаги Соктари қишлоғи бой тарихга эга. Бу ердаги осориатиқалар, шу заминдан етишиб чиққан фозил инсонлар, олиму шоирлар ҳақида узоқ сўзлаш мумкин. Шулардан бири — ўзбек ва тожик адабиётининг забардаст вакили Садриддин Айний.

— Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган бу кенг кўламли юмушлардан беҳад хурсандмиз, — дейди маҳалла кексалар маслаҳат кенгаши раиси Низомиддин Фозилов. — Аммо "Садриддин Айний музейи қачон замонавий қиёфада барпо этилар экан?" деган савол бизни анчадан бери ўйлантиради. Ахир ёшларимизни маданий меросимиз, қадриятларимиз, тарихимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган бундай масканни ҳамма жойда ҳам учратавермайсиз.



Катта ҳаётий тажрибага эга Низомиддин аканинг бу мавзудан сўз очиши бежиз эмас. 1878 йилда Соктарида туғилиб ўсган, "Қуллар", "Дохунда", "Эски мактаб", "Судхўрнинг ўлими" каби ўлмас бадиий асарлар яратган Садриддин Айний Ўрта Осиё халқларининг тарихи, ҳаёти, анъаналари, бой маънавий меросини чуқур тадқиқ қилган шарқшунос олим ҳам бўлган. Унинг Рудакий, Бедил, Алишер Навоий каби улуғ мутафаккирлар ижодига оид қатор мақола ва рисолалари ҳам бор. Адибнинг асарлари жаҳоннинг кўплаб тилларига ўгирилган. Таниқли француз шоири Луи Арагон "Судхўрнинг ўлими" повестини таржима қилар экан, "Садриддин Айний ўзининг бу ўлмас асари билан дунё адабиётининг буюк намояндалари Бальзак, Шекспир, Гёте қаторида туради", дея эътироф этган эди.

— Шундай улуғ алломанинг қишлоқдоши бўлганимиздан фахрланамиз, — дейди меҳнат фахрийси Олим Файбуллаев. — Яна икки йилдан сўнг Садриддин Айний таваллуд топганига 150 йил тўлади. Тўйга тўёна деганларидек, ёзувчи, олим, жамоат арбобининг музейи учун янги бино барпо этилса, айни муддао бўларди.

Адибнинг асарларини мутолаа қилган киши борки, у туғилиб ўсган қишлоқни кўргиси, ўша давр муҳитини ҳис этгиси келади. Аммо музейнинг маданий мерос объекти саналган қадимий масжидда жойлашгани таажжубланарли. Тўғри, адиб туғилиб ўсган уй сақланиб қолмаган. Лекин масжид ёнида 1978 йилда С. Айнийнинг 100 йиллиги муносабати билан адиб бюсти ўрнатилган, ёзувчи қаҳрамонлари номи билан аталадиган китоб, савдо дўконлари, чойхона очилган.

— Аммо замона зайли билан улар хусусийлаштирилган, ҳозир қаровсиз аҳволда. Шулар ўрнида музей учун шарқона услубда, тўртбеш хонадан иборат бино қурилса, яхши бўларди-ку, — дейди ёзувчининг қишлоқдошлари.

Дарвоқе, "Халқ сўзи"да бундан салкам уч йилча муқаддам эълон қилинган "Дунё тан олган адибни ёшларимиз нега билишмайди?" сарлавҳали мақолада бу ҳақда батафсил фикр юритилган.

— Шундан сўнг вилоят архитекторлари, мутасаддилар Соктарига келиб, аҳволни атрофлича ўрганишди, — дейди Низомиддин Фозилов. — Таклифларимизни билдирдик, натижада музей янги биносининг лойиҳаси яратилди. Қолаверса, яқинда вилоят ҳокими бошчилигида бир гуруҳ масъуллар Соктарида аҳоли вакиллари билан учрашув ўтказди. Шунда биз Садриддин Айний музейи учун янги бино қуриш масаласини ҳам ўртага ташладик. Қанийди, шу иншоотнинг молиявий манбаси, қурувчиси аниқлансаю қурилиш ишларига киришилса...

Айтмоқчимизки, адиб таваллудининг 150 йиллиги нишонланадиган 2028 йилгача шу мақсад рўёбга чиқса, экспонатларни янада бойитиш, "Айний издошлари", "Истиқлол ва Соктари" каби мавзуларда кўргазмалар ташкил этиш, осориатиқаларни давлат стандартларига мос тарзда сақлаш имконияти юзага келган бўларди.

Соктарилик юртдошларимизнинг "Садриддин Айний музейи қачон замонавий қиёфа касб этади?" деган саволига мутасаддилардан жавоб кутиб қоламиз.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

13 — 15 май кунлари Тошкентда «TextileExpo Uzbekistan» тўқимачилик ва тикувчилик саноати кўргазмаси бўлиб ўтади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 23 209 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.05 Топширилди — 02.05 1 2 3 4 5 6